

## ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнда Тошкент вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 13877,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 % га ўсди.

2018 йил 2-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4837,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,0 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Тошкент вилоятининг қўшган хиссаси 9,1 % ни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 й. январь- июнга нисбатан % да
	2017й. январь- июнь	2018й. январь- июнь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>9 824,9</b>	<b>13 877,7</b>	<b>103,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 086,6	12 832,7	103,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	738,3	1 045,0	104,1
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>9 086,6</b>	<b>12 832,7</b>	<b>103,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 863,5	2 395,6	101,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3 866,5	6 556,8	105,4
саноат	3 555,6	6 145,3	105,3
қурилиш	310,9	411,5	106,2
Хизматлар	3 356,6	3 880,3	101,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 011,6	1 167,6	97,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	833,8	878,4	102,0
бошқа хизмат тармоқлари	1 511,2	1 834,3	104,5

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,0 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 18,7 %), саноат – 105,3 % (47,9 %), қурилиш – 106,2 % (3,2 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 97,1 % (9,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 102,0 % (6,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,5 % (14,3 %) ни ташкил этди.

### 2018 йил январь-июнда ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




*иқтисодий фаолият турлари*

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 92,5 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 7,5 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,8 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 18,7 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 8,6 % пунктга ўсди ва 51,1 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йил январь-июнда 30,2 % ни ташкил этди ва 2017 йил (37,0 %) билан таққосланганда 6,8 % пунктга камайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил январь-июнь**



**2018 йил январь-июнь**




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 9,1 % ни (2017 й. – 11,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,8 % ни (9,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 14,3 % ни (16,7 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 й январь-июнь**



**2018 й январь-июнь**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Тошкент вилояти статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул:  
Ш.Бекпўлатов  
Тел: (0371) 230-86-57